

**ИБРОҲИМ ЖИЯНОВ**

# **ДУНЁ ГЎЗАЛ**

*шеърлар, қўшиқлар*

**ТОШКЕНТ**  
**«ҚАТОРТОЛ — КАМОЛОТ»**  
**1997**

Қўшиқ — инсоннинг қаноти. Ошиқ қалб изҳорини қўшиқ билан ошкор этади, куй, саз эса одам қалбини гўзаллаштиради, гўзаллик эса жаҳонни жаҳолатдан сақлайди. Иброҳим Жияновнинг шеърларига басталанган қўшиқлар қалбларимизни ром этаётгани, хонадонимизга нурдай кириб, дилларимизни ёритиб турганлиги сир эмас. «Қанотли қўшиқлар» туркумида чоп этилаётган мазкур тўплам қўшиқнавис шоирнинг сара тароналаридан жамланган.

Масъул муҳаррир ва кириш сўз муаллифи  
Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ

Ж 4202620202 — 1997  
356(04)—97

ISBN 5—633—01043—4

© Иброҳим Жиянов. «Дунё гўзал», 1997.

## «КҰНГИЛЛАРНИ АЙЛАБ ХУШ...»

### (Кириш сўз ўрнида)

Қўшиқнинг қаноти бор. Шу бонсдан ҳам у оппоқ каптарлардай парвоз қилади, яхшилик ва дўстлик элчилари бўлиб, диллардан суюнчи олади, еру кўкни олтин кўприк сифатида боғлайди.

Яхши қўшиқ — уч юракнинг мулки, у ўтли нафасдан, катта муҳаббатдан туғилади. Шоир сўзи, бастакор сози, хонанда овози уйғунлашгандагина манзур қўшиқ бўлади, масофа билмайди, халқ бисотига айланиб қолади.

Бугунги кунда замонавий ўзбек қўшиқчилигининг ўз дарғалари бор. Уларнинг баркамол ижодисиз шеърятимизни тасаввур этиб бўлмайди. Ҳамид Гулом, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Пўлат Мўмин, Жуманиёз Жабборов, Эркин Самандаров, Ҳусниддин Шарипов, Омон Матчон, Муҳаммад Юсуф, Охунжон Ҳаким, Ҳасиб Саъдулла, Абдусайд Кўчимов, Усмон Азим, Ошиқ Эркин, Эътибор Охунова, Анвар Обиджон, Барот Исроил, Зулфия Мўминова каби шоирларимиз қўшиқчилигимиз равнақиға муносиб ҳисса қўшиб келаётганликлари адабий жамоатчиликка яхши маълум. Ўзбекистонда қўшиқ байрамининг ҳар йили ўтказилиши, «Ўзбекистон — ватаним маним» қўшиқ кўрик-тановлари бўлиб ўтганлиги, «Шарқ тароналари» халқаро фестивалининг байрам қилинганлиги ўзбек қўшиқчилигининг нуфузини кўтарди, янги-янги ижодий жамоалар ва хонандаларнинг кашф этилишини таъминлади, эл севиб тинглайдиган тароналар сони ва салмоғини оширди, мустақиллик қўшиқларига асос солди.

Еш иқтидорли шоир Иброҳим Жиянов қўшиқчилик соҳасида баракали қалам тебратиб келаётган ижодкорларимиздан. Ўзбекистон мустақиллиги, Истиқлолимиз

қаламига нур, қалбига илҳом бахш этди, машҳур ҳофилар, истеъдодли ёш ижрочилар билан дўстлаштириб баскакорлар билан ижодий ҳамкорликка даъват этди. Бу яқинлик яхши самаралар берди, янги қўшиқлар яратилди.

**ИБРОҲИМ ЖИЯНОВ** 1966 йилда Андижон вилояти Булоқбоши туманида нефтчилар шаҳарчасида туғилди. 1981-85 йилларда Тошкент маданий-оқартув техникумининг рассомлик бўлимида таҳсил олди, 1988-94 йилларда Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институтининг санъатшунослик бўлимини сиртдан ўқиб битирди. Вақтли матбуотда чизган суратлари, санъатшуносликка оид мақолалари билан эътибор қозонди, шеърлари мухлислар назарига тушди. Кино, театр, телевиденида фаолият кўрсатиб, томошабинлар диққатини ўзига қаратди. «Юлдузингни бер, осмон», «Яна ўша Насриддин», «Марғиёна» каби бадний фильмларда, «Домла» видеофильмида, «Шум бола» спектаклида янграган қўшиқлар матни Иброҳим Жиянов қаламига мансуб. Алишер Навоий номли Ўзбек Давлат Академик Катта театри саҳнасида ўйналган «Буюк Амир Темур» операси (Алишер Икромов мусиқаси)нинг либретто муаллифидир. Ўзбекистон халқ артистлари Гуломжон Ёқубов, Насиба Абдуллаева, хушовоз хонанда Донёёр Тошмуҳамедов ва бошқа эстрада гуруҳлари ижросида шоир шеърларига басталанган қўшиқлар баралла янграмоқда, қалблар унга жўр овоз бўлмоқда. Шоир аҳли учун бу катта саодат, Оллоҳнинг бебаҳо мурувватидир.

Иброҳимжоннинг қўшиқлари ижро этилаётганига бир неча йил бўлди. Аммо у ўз шеърлари, қўшиқларини китоб ҳолида чоп этишга шошилмади, эҳтимол, бу ўз қаламига, ўз ижодига масъулият билан қараганлигидан дарак берар. Мана, бахтли тасаддуф сабаб бўлиб, «Дунё гўзал» тўплами кўлёмаси билан танишиш мснга насиб этди. Аниқроғи, сўз ва соз ишқи, қўшиқ меҳри иккимизни яқинлаштирди. Шоирнинг қалб сатрларини ўқиб, дил-дилдан қувондим, унга «Оқ йўл» тилашга жазм этдим.

Шоирнинг биринчи китоби — «Дунё гўзал» шеъри билан очилиши бежиз эмас. Бу қўшиқ уйимизга нур бўлиб киргани, дилларимизни ром этгани сир эмас. Тўплам мундарижаси билан ошно бўлсангиз, унда шоирнинг сўнги йилларда ёзган мустақиллигимизни улғу-

ловчи, макон ва замон мавзуидаги қалб мисраларига дуч келасиз:

Бу мукаммал оламда сенга,  
Умр деган неъмат берилган.  
Пешонангга бори аввалдан,  
Маржон донасидай терилган.  
Дунё гўзал, дунё мафтункор,  
Кўнгилни тарк этмаса баҳор.  
Унда ўзингни бахш этсанг ҳам,  
Арзийдиган улуг ишлар бор.

Тўпламнинг асосий ўзагини ишқ-муҳаббат, вафо, садоқат ҳақидаги шеърлар, қўшиқлар ташкил этади. Қўшиқ мухлисларига яхши таниш «Юлдузингни бер, осмон», «Мажнунтол», «Ферузабону», «Исириқ», «Бедана», «Севиб қолдим», «Муҳаббат борми дунёда», «Нилуфар гулим» каби тароналар ғазалхон кўнгилларни ўзига тортади. Севги-муҳаббат яшаш ва курашда умр ҳамроҳи эканлигига ишонади.

Қанот беринг менга ҳам,  
Мен ҳам учай фалакка.  
Балки топарман малҳам,  
Куйиб кетган юракка.  
Учар бўлсам сиз каби,  
Мовий осмон бағрида.  
Етар эдим бир куни.  
Муҳаббатнинг боғига.

Сўз сеҳри, дил меҳри ҳамма нарсадан азиз ва муқаддас. Шоир чаманига марҳабо! Ундан ҳар ошиқ юрак ўз гулини топишига, ишқ гулзоридан, ўз дастасини ясаб олишига ишончим комил. Ҳа шоир биродаримиз Иброҳим Жиянов ижодда ўз йўлини топиб бораётган, шеърят мухлислари муҳаббатини, қалбини забт этаётган серқирра қалам соҳибларидан биридир, унга ҳаётий омад, ижодий камолот, қанотли қўшиқлар тилайман.

15.10.1997  
Тошкент

Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ

## ДУНЁ ГЎЗАЛ

Кетса ҳамки қўлдан давлатинг,  
Кетмасин белдаги қувватинг.  
Сарой бўлмаса ҳам ошёнинг,  
Яшнаб турсин жисминг, сувратинг.

Хўб қизиқдир дунё ишлари,  
Бордир гулнинг тикон, нишлари.  
Бенуқсон яралган табиат,  
Қайтаверар ёзу қишлари.

Шу мукаммал оламда сенга,  
Умр деган неъмат берилган.  
Пешонангда бори аввалдан,  
Маржон донасидай терилган.

Чирансанг ҳам тиллолар сочиб,  
Кетолмассан тақдирдан қочиб.  
Молу давлат ҳаммадан қолар,  
Ҳаётга боқ чеҳрангни очиб.

Дунё гўзал, дунё мафтункор,  
Кўнгилни тарк этмаса баҳор.  
Унда ўзингни бахш этсанг ҳам,  
Арзийдиган улуғ ишлар бор.

## УЗБЕКИСТОНИМ БОРДИР

Мен қуш бўлиб учарман,  
Мовий осмоним бордир.  
Водийларни қучарман,  
Гўзал бўстоним бордир.

Бу ёруг олам аро  
Зўр гулистоним бордир.  
Қоши-ю кўзи қора,  
Элга достоним бордир.

Бобом ўтган Темурбек,  
Ҳам Навоий, Улуғбек.  
Кўҳна тарих мулкида  
Бобуристоним бордир.

Ишқим бордир дилимда,  
Қўшиғим бор тилимда.  
Жаҳон ичра жаннатим,  
Ўзбекистоним бордир.

## БАХТ НИМАДИР?

Бахт ўзи нимадир, мен билолмадим,  
Севги нима экан тушунолмадим.  
Аммо армонларнинг азобларидан  
Қанча тиришсам ҳам четда қолмадим.

Бу дунё сифмаган икки кўзимга,  
Тўлиб қолди икки томчи аччиқ ёш.  
Пешона деганга ёзилган экан  
Роҳат эмас, фақат чидам ва бардош.

Лекин мен айланмай далли-гадога,  
Бошим баланд қилиб қўшиқ айтаман,  
Гар ўлсам ёлвориб Эгам худога,  
Бу ёруғ дунёга яна қайтаман.

Шунда менинг бошим етиб осмонга,  
Дилни андуҳлардан озод қилурман.  
Алданиб қолмасдан ёмонларга,  
Қандай яшашни ўзим билурман.



## ДУСТ ҚАДРИ

Гул атрини қайдан билурсан,  
Қўлга тикон, ниш ботмагунча.  
Дўст қадрини қайдан билурсан,  
Душман сенга тош отмагунча.

Аҳли инсон келиб кетаркан,  
Дунё деган кўҳна бозорга.  
Ким бахтга, ким дардга етса ҳам,  
Қайтар экан қизғалдоқзорга.

Кўклам қирда очилса лола,  
Тоғлар бағри қонга ўхшайди.  
Қай забондан сочилса нола,  
Куйиб кетган жонга ўхшайди.

Фалак чархин ортга бурмоқлик  
Ҳеч бандага насиб қилмайди.  
Дўст дийдорин кўриб турмоқлик  
Гаштин фақат нодон билмайди.

## ЮЛДУЗИНГНИ БЕР, ОСМОН?

Сенинг чексизлигинг сизмас кўзимга,  
Сен асли нелигинг мен учун гумон.  
Ишонтирмоқ бўлсанг мени ўзингга,  
Битта юлдузингни менга бер, осмон?

Ойдин кечаларда мен қанот ёзиб,  
Парвоз этсам дейман шамолдан ўзиб.  
Кенглигинг рост бўлса бағрингдан узиб,  
Битта юлдузингни менга бер, осмон?

Сенинг бисотингдир бу ёруғ дунё,  
Қатто қуёш сенга бўйсунар танҳо.  
Бу хаста кўнглимга бағишлаб зиё,  
Битта юлдузингни менга бер, осмон?

Сен ҳаммадан улуғ, баланд, қодирсан,  
Пойингни ўпади саҳрою уммон.  
Ёлвораман мен ҳам илтижо қилиб,  
Битта юлдузингни менга бер, осмон?

## АНДИЖОНГА ҚАЙТМАСМИ БОБУР?

Афгон боғларидан келар бир садо,  
Арслондир, изига қайтмас шоҳ Бобур.  
Айрилиқ шунчалик бўларми, Худо,  
Наҳот Андижонга қайтмас шоҳ Бобур?

Фарғона йўллари шунча узоқми,  
Ё чўлда юз очган гул ҳам тузоқми?  
Шундан шоҳ шоирнинг руҳи уйғоқми,  
Наҳот Андижонга қайтмас шоҳ Бобур?

Қўлда шамшир ўйнар, кўнгилда ғазал,  
Обод этиб Ҳиндни водийдек гўзал.  
Фироқни англабон тақдири азал,  
Наҳот Андижонга қайтмас шоҳ Бобур?

Ахси қўрғони узра қирғийлар учар,  
Қирғийдек мард элдан ёғийлар қочар.  
Илоҳий онлар ҳам мозийга кўчар,  
Наҳот Андижонга қайтмас шоҳ Бобур?

Боғишамол бугун гулзор, боғ бўлди,  
Уш Оқсарой билан кўркам тоғ бўлди.  
Юрт қаддин ростловчи ажаб чоғ бўлди,  
Наҳот Андижонга қайтмас шоҳ Бобур?

## ПЕШОНАНГГА ЁЗГАНИДАН...

Осмондаги ойни ҳавас қилаверма,  
Ширин хаёлларни қувиб етолмайсан.  
Бағрингни қон этма нолиб тақдирингдан,  
Пешонангга ёзганидан кетолмайсан.

Ўзгаларда қошлар камон, киприк ўқми,  
Ёнгинангдан оққан сувнинг қадри йўқми.  
Дунёда ҳеч бир ошиқнинг кўнгли тўқми,  
Пешонангга ёзганидан кетолмайсан.

Кўнгил нима истамайди қўйиб берсанг,  
Рози бўлар ишқ майига тўйиб ўлсанг.  
Бир кун ўзинг ўз ҳолингга куйиб дерсан,  
Пешонангга ёзганидан кетолмайсан.

Бошдан оёқ бекам инсон қайда ўзи,  
Ёринг қалбни кўрарми қалбинг кўзи.  
Бир камлиги билан қизиқ дунё ўзи,  
Пешонангга ёзганидан кетолмайсан.

## ҲАЁТ

Тонглар беғубор,  
Шомлар бетакрор.  
Олам бир гулзор,  
Гўзалдир ҳаёт.

Кунлар ўткинчи,  
Тунлар ёлғончи.  
Ой йилга қамчи,  
Боқийдир ҳаёт.

Тоғларда виқор,  
Боғларда ризқ бор.  
Яшнайти баҳор,  
Сахийдир ҳаёт.

Эсар шўх еллар,  
Чорлайди йўллар.  
Яшагинг келар,  
Сеҳрдир ҳаёт.

Мовийдир осмон,  
Тол шохи камон.  
Бахт кулса ҳар он,  
Сирлидир ҳаёт.

## **СУЛТОНИ ҲЗИМ**

Ҳазонлар изимға поёндоз бўлди,  
Дайдиган шамоллар ёру дўстларим.  
Ишонган сирдошим оқ қоғоз эди,  
Кўп қийнадим, энди кечмоқ истадим.  
Алам ёмғирига макондир кўзим,  
Армон салтанатин султони ўзим.

Муҳаббат водийсин гўзал боғлари —  
Оёғим етмаган афсона ўлка.  
Менинг бисотимда ҳижрон тоғлари,  
Карвонлар ўтолмас узоқ манзилга.  
Хаёлларим ёлгон, чин эрур сўзим,  
Армон салтанатин султони ўзим.

Юрак таскин топмас, тўлмайдди кўнги,  
Умид юлдузига қанча тикилсам.  
Қанийди шу куним унутиб буткул,  
Ишқ ўлкасин битта фақири бўлсам.  
Армон салтанатин султони ўзим,  
Дардимга Аллоҳдан тилайман тўзим...

## ҚАЙТАР ДУНЁ

Қайтар дунё, дейдилар,  
Бу дамлар қайтармикан.  
Дунёдан ўтган азиз,  
Одамлар қайтармикан.

Қайтармикан замонлар,  
Ёшлик, даври давронлар.  
Завол топиб ёмонлар,  
Яхшилар қайтармикан.

Оламга тўлиб гуллар,  
Сайрасалар булбуллар.  
Сочи бўлиб сумбуллар,  
Зухролар қайтармикан.

Она юрт осмонига,  
Яна қайтса Чўлпонлар.  
Қайтар дунёга зора,  
Иймонлар қайтармикан.

## ХАЗОН ЯПРОҒИ

Хазон япроғига ёздим дилда боримни,  
Дайди шаббодага айтдим кўнгил зоримни.  
Яланғоч повдалар аро салқин ҳавода,  
Бугун ёлғиз кезар бўлдим бу гулзоримни.

Ногаҳон учратиб қолдим битта ғунчани,  
У гўёки шайланарди юзин очгани.  
Шошма дедим, ахир хазон фаслику бунда,  
Келмоги даргумон офтоб нурын сочгани.

Аёзлардан сени қандай асраб қолурман,  
Сени умидим дебон бағримга олурман.  
Сен кўксимда сақлаганим — муҳаббатимдай,  
Бир куни тарк этар бўлсанг қайга борурман.

Куз шамоли чертаётир кўнгил торимни,  
Мажнун бўлиб излаюрман Лайли ёримни.  
Осмон булутли бўлса ҳам бир умид билан,  
Хазон япроғига ёздим дилда боримни.



## ЕЗ ҒМҒИРИ

Водий узра чўқади оқшом,  
Номозшомгул аста очилар.  
Шунда ногоҳ осмон бағридан,  
Тўкилади иссиқ томчилар.

Саратонда кун бўйи ёнган,  
Майсалар бош кўтарар яйраб.  
Боғлар аро ёмғир куйига,  
Қўшилади қушлар ҳам сайраб.

Ёз ёмғири, о ёз ёмғири, <sup>1</sup>  
Кўнгилларни обод этасан.  
Аммо ногоҳ келган бахт каби,  
Сен бунча тез ўтиб кетасан.

Ёз ёмғири, о ёз ёмғири,  
Сен оламини этдинг мусаффо.  
Бу оқшомда бир меҳмон бўлдинг,  
Яйраб кетди бу мезбон дунё.

Ўз йўлидан адашган булут,  
Еш боладай йиғлади гўё.  
Ғуборлари ювилиб кетиб,  
Олам бўлди яна соф, аъло.

Полиزلардан ҳандалак ҳиди,  
Ёйилади салқин ҳавода.  
Шундай сўлим дамлар беармон,  
Яшай дейсан ёруғ дунёда.

## ВАРҲАМ БЕРАЙЛИК

Қирғоқларни уммон ажратса,  
Узоқларни довон ажратса.  
Ошиқларни гумон ажратса,  
Гумонларга барҳам берайлик.

Емғирларни осмон тугатса,  
Кундузларни оқшом тугатса.  
Муҳаббатни ёлғон тугатгай,  
Ёлғонларга барҳам берайлик.

Гар ошиқлар фироқда бўлса,  
Юраклари қийноқда бўлса.  
Кўнгилларга армон тўларкан,  
Армонларга барҳам берайлик.

Иғво қилар бўлса ёмонлар,  
Азобда қолар ширин жонлар.  
Ногоҳ ёғилганда бўҳтонлар,  
Бўҳтонларга барҳам берайлик.

Лайли ила Мажнун бўлсак биз,  
Саҳроларни бирга кезармиз.  
Йўқотмасдан тўзонларда из,  
Тўзонларга барҳам берайлик.

Висои чорлаганда бўстонлар,  
Вахиял бўлиб аўр гулистонлар.  
Шунда ҳам топилур тиконлар,  
Тиконларга барҳам берайлик.

## АҚЛ КҮЗИ

Биринчи ва охириги марта,  
Яшайпмиз ёруғ дунёда.  
Гоҳи уйғоқ, гоҳи гафлатда,  
Қимдан каму кимдан зиёда.

Қадим савдолардан бош олиб,  
Кетмоқликнинг йўқдир чораси.  
Дунёдаги бор бисотимиз,  
Борлик ва йўқликнинг ораси.

Шу бисотга кўп ишониб биз,  
Сўзимизни этамиз осмон.  
Шундан рост гапимиз бўлиб оа,  
Бисёр бўлар ўртада ёлғон.

Қатта гапдан йўқ эрур самар,  
Тили бийрон алдар ўзини.  
Дунёда муродга етар ким,  
Зийрак этса ақл кўзини.

## МУҲАББАТ БОРМИ ДУНЕДА?

Езлар ўтар, кузлар ўтар,  
Тоғларда қор эримайди.  
Юрагимга армон ботар,  
Йўлларда ёр кўринмайди.

Дилни ором тарк этади,  
Узоқларга кетар хаёл.  
Сувлар жим оқиб ўтади,  
Жавобсиз қолар бир савол.

Ойлар ўтиб йиллар ўтса,  
Дил гунчаси очиларми?  
Осмондаги юлдузчалар,  
Бошим узра сочиларми?

Қалбимда умид яшайди,  
Ўйлатади мени бу ҳол.  
Ҳамма ҳар йўлга бошлайди,  
Жавобсиз қолар бир савол.

Муҳаббат борми дунёда,  
Муҳаббат борми дунёда?  
Е ёлғон ҳис-туйғуларга  
Кўнгиллар зорми дунёда?

## МАЖНУНТОЛ

Шохларини эгиб мажнунтол,  
Йўл бўйида ўсарди ёлғиз.  
Менга тинчлик бермас бир хаёл,  
У хаёлдан беҳабардир Сиз.

Мажнунтолнинг шохлари асли,  
Сизнинг қаро сочингиз эди.  
Мен боқмасдан ўтиб кетгандим,  
Афсус қилиб яшарман энди.

Бу дунё кенг, манзиллар олис,  
Йўлимизни ҳеч ким тўсмайди.  
Аммо бошқа дарахт ҳеч жойда  
Шохларини эгиб ўсмайди.

## СОҒИНГАНИМ БИЛМАЙСАН

Муҳаббатга зордир бу кўнгил,  
Кўнгил учун бир келиб қўйгил.  
Нигоҳларим сенга интизор,  
Сени ўйлаб бедорман, бедор.

Ҳаёт ширин, бу дунё кенгдир,  
Умр гўё лаҳзага тенгдир.  
Аммо дилдан жой олса ҳижрон,  
Бахт гулзори бўлмишдир вайрон.

Кел, гўзалим, кел, гулнигорим,  
Фалакларга етдику зорим.  
Сени ўйлаб бўлсам-да бедор,  
Соғинганим билмайсан, дилдор.

## **СИЗНИ ЭСЛАДИМ**

Осмөн узра ой боқиб,  
Юлдуз сирли порласа.  
Боғ сайрига чорласа,  
Жоним сизни эсладим.

Гунча очиб юзини,  
Булбул наво этганда.  
Жонга ором етганда,  
Яна сизни эсладим.

Ойдан оппоқ юзингиз,  
Тундан қаро кўзингиз.  
Ақлим олган кечада,  
Яна сизни эсладим.

Тонгда эсса шамоллар,  
Тўзиб кетса хаёллар.  
Мен борлиқни унутиб,  
Фақат сизни эсладим.

## СЕВИБ ҚОЛДИМ

Сен кўкдаги оққушмидинг,  
Ёдда қолган бир тушмидинг.  
Ёки гўзал Кумушмидинг,  
Кўзларингни севиб қолдим.

Боғимдаги оқ гулимсан,  
Қора сочи сумбулимсан.  
Ё сайраган булбулмисан,  
Созларингни севиб қолдим.

Энди мени кўп зор этма.  
Хаёлимдан бир зум кетма.  
Ҳижрон ўтин ёқиб ўтма,  
Нозларингни севиб қолдим.

Бағрим бугун оташ бўлур,  
Келмас бўлсанг бир тош бўлур.  
Ёноқларинг қуёш эрур,  
Юзларингни севиб қолдим.

Кўзлар олов, киприklar ўқ,  
Юрагимда ёнар бир чўғ.  
Энди менда ҳаловат йўқ,  
Севиб қолдим...



## ФЕРУЗАБОНУ

Жоним, сизни ҳўб сийлаб,  
Чирой берибди Оллоҳ.  
Шу чиройни авайлаб,  
Яшириб юрмоқ керак.

Қошу киприklar майса,  
Кўзингиз мисли оҳу.  
Бизни мажнун этмасдан,  
Келинг, Ферузабону.

Сизга гул чирой берган,  
Оллоҳ ишқ берди бизга.  
Мен ёниб бўлдим энди,  
Инсоф ҳам берсин сизга.

Лутф айлабон бир келиб,  
Ҳолим сўрай дейсизми?  
Ё сизни деб зор бўлиб,  
Юрганим билмайсизми?

Қоши камалак Ферузабону,  
Сочи жамалак Ферузабону.

## ТУРНАЛАР

Булутларнинг бағрига,  
Арғимчоқлар чизишиб.  
Сўнг не хаёл, ўй билан  
Уни яна узишиб.

Учиб ўтар турналар  
Водийларнинг устидан.  
Қалбим менинг талпинар,  
Ернинг баланд-пастиди.

Баланд учган турналар,  
Кўнглимни очай сизга.  
Армонда бағрим ёнар,  
Етолмадим бир қизга.

Қанот беринг менга ҳам,  
Мен ҳам учай фалакка.  
Балки топарман малҳам,  
Куйиб кетган юракка.

Учар бўлсам сиз каби,  
Мовий осмон бағрида.  
Етар эдим бир куни  
Муҳаббатнинг богига.

## ОСМОН ИЧРА

Кўзларингиз бунча сирли нигоҳ ташлайди,  
Нигоҳингиз чўғи ногоҳ дилим ғашлайди.  
Не хаёл бор дилингизда асло айтмайсиз,  
Бу ҳол мени не хаёл, не ўйга бошлайди.

Осмон ичра юлдузни олиб келайми ё,  
Осмон асири ойни сизга берайми ё.  
Йўқдир сизга етмоқдан ўзга орзу-ҳавас,  
Аллоҳ ўзимга бир сизни насиб этса, бас!

Сизни кўрсам севинчларга тўлар юрагим,  
Сиз билан бахтимни топмоқ эрур тилагим.  
Кўзингизда не сир бор ошкор айтасизми,  
Ошкора айтмасдан мени зор этасизми.

## ВАФӨДӨР

Шохин эгиб анҳор сувига,  
Мажнунтоллар маюс тебранар.  
Шивирлашиб бир-бирларига,  
Иккимизни эслашар улар.

Аммо бугун сен йироқдасан,  
Хазон ўпар босган изингни.  
Юрагимни қийнамоқдасан,  
Соғинурман қора кўзингни.

Тонг чоғида эсса саболар,  
Сен ҳақингда хабар сўрайман.  
Келтирган деб сендан садолар,  
Учган қушлар томон қарайман.

Йилларга тенг бўлса ҳам кунлар,  
Ишқим ўти асло ўчганмас.  
Аҳволимни англамас ҳеч ким,  
Мени фақат сен тушунсанг, бас.

Вафодор бўлгин, ёр, вафодор,  
Мендан йироқ кетмагин зинҳор.  
Вафодор дейман мен барибир,  
Бағрим ёқиб ўтсанг ҳам, дилдор.

## ЎЙНАМА

Билак узугинг кўзи,  
Еқутми ё феруза,  
Уртада ўйнамагин  
Кўзингни суза-суза.

Нозли ўйнама бунча,  
Бировларга рашким бор.  
Чўғ бўлган юрагимда  
Сенга бўлган ишқим бор.

Сочларинг толим-толим,  
Билармисан аҳволим.  
Ёндириб куйдирасан,  
Бунчалик бўлма золим.

Билак узугинг кўзи,  
Еқутми ё феруза,  
Уртада ўйнамагин,  
Кўзингни суза-суза.

## ЭРКАМ

Сен менинг очилган бир гулим бўлсанг,  
Юзларингдан ўпай бўлиб шаббода.  
Қоп-қора сочлари сумбулим бўлсанг,  
Мени ёлғиз қўйма ёруғ дунёда.

Сен худди баҳорга ўхшайсан, эркам,  
Чечаклар гўёки сенинг изларинг.  
Қоронғу осмонни ёритиб турган  
Юлдузлар кўзларинг, ойдир юзларинг.

Тонг чоғи кўзимга нур бўлиб келсанг,  
Пойингга гул бўлиб сочилай ўзим.  
Муҳаббат куйига жўр бўлиб келсанг,  
Узолмай қоларман ўзингдан кўзим.

Сенинг жамолингни кўкдан изласам,  
Офтоб каби ёруғ экан дилинг ҳам.  
Сен менинг қалбимни нурга тўлдирдинг,  
Сен худди баҳорга ўхшайсан, эркам.

## ОЙ БАЛДОҒИНГ

Кўкда ой уялар кўриб юзингни,  
Булутдан парда тортади ўзига.  
Кўзларингни нечун ерга қадайсан,  
Ё сен уялдингни айтган сўзимдан.  
Ой балдоғинг ялтирайди ойдинда,  
Яна бир лаҳза қолгин, ёр, ёнимда.

Жафоларинг ўтиб кетса жонимдан,  
Сен зарра ҳам ачинмайсан ҳолимга.  
Бағритош парилар йўлини тутиб,  
Қолиб кетмагин менинг заволимга.  
Ой балдоғинг ялтирайди ойдинда,  
Яна бир лаҳза қолгин, ёр, ёнимда.

Ғамзаларинг қурбони бўлай ўзим,  
Ишваларинг сеҳрлаб олсин мени.  
Эс-ҳушимдан айирар қора кўзинг,  
Ҳеч қўйиб юборгим келмайди сени.  
Ой балдоғинг ялтирайди ойдинда,  
Яна бир лаҳза қолгин, ёр, ёнимда.

## ЕРИЛТОШ

Севган эдим бир қизни,  
Осмондаги юлдузни.  
Ерга тушай демас ҳеч,  
Кўзга илмади бизни.

Кўнғимдагин билмади,  
Кўзимга тўлди ёшлар.  
Дардимни айтар бўлсам,  
Эрийди ҳатто тошлар.

Осмондаги юлдузга,  
Бош қўйганда турналар.  
Қарайман, етолмайман,  
Менинг бағрим тирналар.

Тоғларга чиқиб энди,  
Сирлашдим тошлар билан.  
Қачон бирга бўлурмиз  
Ул қаламқошлар билан.

Ёрил, ёрил, ёрилтош,  
Эгилмасин мағрур бош.  
Айтганимга кўнмаса,  
Ёлғиз қолсин қаламқош.



## НИЛУФАР ГУЛИМ

Мовий сувлар сени тебрагар, эркам,  
Силай десам сенга етмайди қўлим.  
Дема замин узра ўсмадим кўрқам,  
Уксиб йиғламагин, нилуфар гулим.

Майли ёмгир бўлиб осмон йиғласин,  
Майли тўлқин бўлиб уммон йиғласин.  
Кўзи ёшга тўлиб армон йиғласин,  
Фақат сен йиғлама, нилуфар гулим.

Ҳар тонгда шаббода юзингдан ўпса,  
Оқшом эртак айтса хушбўй ва сўлим.  
Умринг шу зайлда шоҳона ўтса,  
Нечун кўз ёш қилдинг, нилуфар гулим.

Йиғласин ишқ нима билмай ўтганлар,  
Дўст-душман фарқига бормай ётганлар.  
Йиғласин қадрини арзон сотганлар,  
Фақат сен йиғлама, нилуфар гулим.

Сен табассум қилгин, ғам чекма асло,  
Гуллар кулгусига тўлсин бу дунё.  
Кўзларга ёғилсин бир нафис зиё,  
Энди йиғламагин, нилуфар гулим.

## ЕТМАДИМ

Сенга етмадим.  
Энди қалбим осмонида,  
Ёмғир бўлиб ёғар тинмай,  
Менинг армоним.

Сенга етмадим.  
Дарё бўлиб тўлмас кўнгил,  
Бахт кўприги ёниб кетди,  
Ундан ўтмадим.

Сенга етмадим.  
Севги қасрин эшиклари  
Мен учун очилмаса ҳам,  
Ташлаб кетмадим.

Сенга етмадим.  
Айрилиқда дардга тўлиб,  
Бўғзимга бир қўшиқ келди,  
Уни айтмадим.

Сенга етмадим.  
Оққан сувлар ортга қайтмас,  
Ширин хаёллар бесамар,  
Сен ҳам қайтмадинг.

## ИСИРИҚ

Меҳмон келса йўл босиб,  
Елкасига тўн осиб.  
Чорланг уни сўрига,  
Чой ичсин чанқоқ босиб.

Одам тўлсин уйларга,  
Ҳамма етсин тўйларга.  
Кўз тегмасин бўйларга,  
Тутатворинг исириқ.

Молга тўлсин бозорлар,  
Обод бўлсин гузарлар.  
Маҳалла-кўй тинч бўлиб,  
Яшнасин боғ, гулзорлар.

Ҳар ишга мадад соғлиқ,  
Қолмасин кўнгли доғлик.  
Дард ўлсин, бўлсин чоғлик,  
Тутатворинг исириқ.

Исириқ, ҳо-исериқ,  
Тутатинглар исириқ.  
Дардларни, ғуборларни  
Йўқотади исириқ.

## БЕДАНА

Гоҳ юрак сиқилар тўрт девор ичра,  
Кенгликларни қўмсаб қолади кўнгил.  
Бир дилкаш топилмай турган тақдирда,  
Ичингга сиғмайди ҳатто битта қил.

Шу пайтда ногаҳон қўшни айвонда,  
Янграган бир овоз ёқди жонга.  
Эшитгинг келади такрор ва яна,  
Эркалаб сайраса яйраб бедана.

Бедана, бедана, сайра бедана,  
Сен каби хушовоз қайда, бедана.  
Соғинсанг кенг дала, бедазорларни,  
Мен томга экаман беда, бедана.

Тўрқовоқ ичидан боқиб тўрт томон,  
Куйласанг кўнгиллар сел бўлиб кетар.  
Гоҳида бемаҳал сайрашинг ёмон,  
Асаб деган баъзан тордан ҳам ўтар.

Аммо сенсиз бўлмас чойхоналарда,  
Кўнгилни ёзгувчи ягона жойда.  
Тўқсон беш чой бўлса, ош бўлса яна,  
Сенинг сайрашингга борман, бедана.

## МАЛИКАМ

Феруза осмон узра,  
Порлади юлдузчалар.  
Қанчалар сирли эди,  
Бизга ойдин кечалар.

Муҳаббатим қасрида  
Бўлган эдинг, Малика.  
Шаҳзоданг ўзим энди,  
Кетаман дейсан нега?

Армонлар ўлкасига  
Ташлаб кетмагин мени.  
Соғинчлар саҳросида  
Излаб бораман сени.

Афсоналар шаҳрига  
Қарвонлар етганида.  
Шаҳзодангни эслайсан,  
Унутолмай, Маликам.

Шошма, шошма, Маликам.  
Кетай дема, Маликам,  
Кетсанг мени ҳеч қачон  
Тополмайсан, Маликам.

## МЕНИНГ ОСМОНИМ

Кўзларинг ўхшарди тунги осмонга,  
Порлар эди унда менинг юлдузим.  
Ўша осмон узра сузган чоғимда,  
Эртакдай ўтарди туним, кундузим.

Энди ўша осмон меники эмас,  
Меники эмасдир ойу юлдузлар.  
Сенинг кетганингга ишонгим келмас,  
Аммо аччиқ ёшга тўлади кўзлар.

Мен севгим деганим бу гўзал боғда,  
Бугун сайр этади ёлғиз бир армон.  
Соғиниб яшарман ўз осмонимни,  
Қанотим бўлсайди, учсам сен томон.

Аммо сен қайдасан, қайдасан, қайда?..

## **БИЗ БЕГОНАМИЗ**

Кўзлар куяр,  
Айтсам сўзлар куяр.  
Сизни беҳос кўриб,  
Қолганда.

Юрак куяр,  
Худди фалак куяр.  
Дунё олов ичра  
Қолгандай.

Дилим куяр,  
Айтсам тилим куяр.  
Қалбим ичра бир ҳис  
Уйғонса.

Ҳислар куяр,  
Босган излар куяр.  
Сизни кўргач кўнгил  
Тўлғонса.

Биз бегонамиз.  
Энди биз бегонамиз.  
Бир замон хато қилиб,  
Севгимиздан тонганмиз.

## ЖАЙРОНГИНАМ

Айтақол сени ким қийнади бунча,  
Тогларнинг тошими ё яна фалак?  
Кўрдингми очилмай сўлган гунчани,  
Ё армон деганга тўлдими юрак?

Мен сенинг дардингни олмадим, кечир,  
Дилингга бир умид солмадим, кечир.  
Бунчалар бемеҳр, бағритош дема,  
Ғамим кўп, ёнингда қолмадим, кечир.

Кўзларинг қародир тун рангдан ҳам,  
Уларда кўрарман бир дунё алам.  
Қанчалар ўхшаймиз бир-биримизга,  
Жайроним, жайроним, эҳ жайронгинам!



## ЛАЙЛО

Менинг гул юзли ёрим раънолар ичра раъно,  
Ширин сўзли нигорим аълолар ичра аъло.  
Ўзи мисоли зуҳро, юлдузлар ичра танҳо,  
Мажнун этарми мени ишқида бўлиб Лайло?

Нигоҳида чўғ бордир, кўзлари мисли жайрон,  
Бир боқиб асир этди, ақлимни қилди ҳайрон.  
Ноз ила қилса гоҳо юрак-бағримни вайрон,  
Барибир уни дерман, ҳаммадан аъло Лайло.

Тонгларда келар бўлса тонгларим бўлар нурли,  
Тунлари келар бўлса тунларим бўлар сирли.  
Ишвалар қилар бўлса ишваси турли-турли,  
Кўнглимда ишқ сурурин айлади пайдо Лайло.

## СЕН ҰЗИНГСАН

Изларингни изласам  
Баҳорги боғлар аро.  
Йўлимни тўсди гоҳо  
Ҳижрон деган бир саҳро.

Мен барибир қайтмадим  
Муҳаббатим йўлидан.  
Висолингни соғиниб,  
Кўзларим бўлди қаро.

Гоҳи осмон, гоҳ уммон,  
Бўлди соғинчда қалбим.  
Гоҳи армон, гоҳ гумон  
Асири бўлиб қолдим.

Соғиниб кўзларингда  
Ениб турган бир чўғни,  
Гоҳи хазон, гоҳ эса  
Гулга айланиб қолдим.

Сен ўзингсан, дилбарим,  
Дилгинам ардоғида.  
Бир ўзингсан, севгимим,  
Севгимизнинг боғида.

## ЕР-ЕР

От изин босиб той кишнайди,  
Бир қиз йиғлар тўсиб юзини.  
Ёр-ёра, йиғлама, дилдора,  
Яширмагин оҳу кўзингни.

Тўй бўлар, уйга меҳмон тўлар,  
Бунча қийнамагин ўзингни.  
Ўз ёринг ёнгинанда бўлар,  
Сен топарсан бахт юлдузингни.

Ёр-ёра, йиғлама, дилдора,  
Ваъдаларинг ёлғон эмаску.  
Сен ёрга вафодор қизбола,  
Ҳуснинг гулларгаям ҳаваску.

Бу давра қувончларга тўла,  
Дўст ва дугоналар бунда жам.  
Ҳар доим кулиб юргин дея,  
Дуо қилар ота-онанг ҳам.

## **МУҲАББАТ**

Кўзларингга нур тўлса,  
Қалбинг эркин, ҳур бўлса.  
Муҳаббат ёлғон дема,  
Муҳаббат армон дема.

Гоҳқ юрак зор бўлса,  
Кўзга олам тор бўлса.  
Утар бу ғам, бу қайғу,  
Муҳаббат қолар мангу.

Йиллар ўтар бешавқат,  
Яшаймиз бир бор фақат.  
Инсонни инсон этган  
Бу — ширин дард муҳаббат.

Муҳаббат бор дунёда,  
Муҳаббат бор дунёда.  
Фақат ҳеч севмаганлар  
Ишонмайдилар унга.

## СЕН ВА МЕН

Самода бир жуфт юлдуз,  
Бир-биридан узмай кўз.  
Сўзлашадилар унсиз,  
Уша юлдуз сен ва мен.

Чаманда бир жуфт ғунча,  
Шом бўлиб тонг отгунча.  
Сирлашадилар бунча,  
Уша ғунча сен ва мен.

Парвоз этган бир жуфт қуш,  
Кўнгилларни айлаб ҳуш.  
Эркин ўйнар ҳавода,  
Уша қушлар сен ва мен.

Муҳаббат бўстонида  
Сайр этади бахтиёр.  
Бир жуфт юрак — икки ёр,  
Бу бахтиёр сен ва мен.

## МУНДАРИЖА

Нормурод Нарзуллаев. «Кўнгилларни айлаб хуш» . . . . .	3
Дунё гўзал . . . . .	6
Ўзбекистоним бордир . . . . .	7
Бахт нимадир . . . . .	8
Дўст қадри . . . . .	9
Юлдузингни бер, осмон . . . . .	10
Андижонда қайтмасми Бобур . . . . .	11
Пешонангга ёзганидан . . . . .	12
Барҳам берайлик . . . . .	13
Султони ўзим . . . . .	14
Қайтар дунё . . . . .	15
Ҳаёт . . . . .	16
Ез ёмғири . . . . .	17
Хазон япроғи . . . . .	18
Ақл кўзи . . . . .	19
Муҳаббат борми дунёда . . . . .	20
Мажнунтол . . . . .	21
Согинганим билмайсан . . . . .	22
Сизни эсладим . . . . .	23
Севиб қолдим . . . . .	24
Ферузабону . . . . .	25
Турналар . . . . .	26
Осмон ичра . . . . .	27
Вафодор . . . . .	28
Уйнама . . . . .	29
Эркам . . . . .	30
Ой балдоғинг . . . . .	31
Ерилтош . . . . .	32
Нилуфар гулим . . . . .	33
Етмадим . . . . .	34
Исириқ . . . . .	35
Бедана . . . . .	36

Маликам	.	.	.	.	.	.	.	.	37
Менинг осмоним	.	.	.	.	.	.	.	.	38
Биз бегонамиз	.	.	.	.	.	.	.	.	39
Жайронгинам	.	.	.	.	.	.	.	.	40
Лайло	.	.	.	.	.	.	.	.	41
Сен ўзингсан	.	.	.	.	.	.	.	.	42
Ёр-ёр	.	.	.	.	.	.	.	.	43
Муҳаббат	.	.	.	.	.	.	.	.	44
Сен ва мен	.	.	.	.	.	.	.	.	45

.

Адабий-бадний нашр  
**ИБРОҲИМ ЖИЯНОВ**  
ДУНЕ ГЎЗАЛ  
Шеърлар, қўшиқлар

Муҳаррир **Н. НАРЗИЙ**  
Мусаввир ва расмлар муҳаррири **Ҳ. РАҲМАТУЛЛАЕВ**  
Тех. муҳаррир **В. ДЕМЧЕНКО**  
Мусаҳҳиҳ **Б. ҚАҲҲОРОВ**

ИБ № 3345

Босмахонага 21.11.97 берилди. Босишга 25.12.97 рӯхсат этилди. Бичими 70×90<sup>1/32</sup>. Босма тобоғи 1,5. Шартли босма тобоғи 1,5. Жами нусха 2000. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон ёшлари «Қамолот» жамғармаси «Қатортол — Қамолот» ишлаб чиқариш-нашриёт корхонаси ва босмахонаси. 700113, Тошкент, Чилонзор, Қатортол кўчаси, 60-уй.